

МОЛИЯ БОЗОРИДА ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ BVAR МОДЕЛИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Норбаева Мухлиса Акрам қизи
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси докторанти

Ҳар бир давлат учун валюта айрибошлаш курси режимини белгилаш муҳимдир. Чунки, Марказий банклар валюта курслари режимини белгилаш орқали товарлар ва молия бозоларига, ички ва ташқи иқтисодиётга мамлакатда валюта сиёсати қандай юритилиши ҳақида сигнал беради ва шунга кўра иқтисодиётда турли жараётлар кузатилади. Валюта курси режими бугунги кунгача турли кўринишда бўлган. Хусусан, уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- қатъий белгиланган валюта курси режими;
- бошқа бир валютага боғланган курс режими;
- сузиб юривчи валюта курси режими;
- бошқариладиган сузиб юривчи валюта курси режими.

Ушбу валюта курси режимлари турли иқтисодий шароитлардан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлган. XIX аср ўрталарига келиб давлатлар ўртасида иқтисодий алоқалари шу даражада кучайдики, бу ҳолат давлатлар олдида валюта тизимининг шаклини белгилаш каби масалаларни қўйди. Айнан ўша даврдан бошлаб халқаро валюта тизимлари вужудга кела бошлади. Халқаро валюта тизимларининг вужудга келиши ва унинг ривожланиш босқичлари давомида турли валюта курслари режимлари вужудга келди.

Марказий банклар томонидан алмашинув курсини коррективировка қилиш ва бу орқали иқтисодиётдаги турли жараёнларга таъсир кўрсатиш валюта сиёсати деб аталади. Айнан валюта сиёсатини олиб бориш орқали давлатлар ички ва халқаро иқтисодий вазиятларга таъсир кўрсатиб туришади.

Валюта сиёсати кўп ҳолларда ривожланаётган давлатларда ишлатиладиган терминлардан ҳисобланади. Бунга сабаб, ривожланган давлатлардан фарқли равишда ривожланаётган давлатлар миллий валюталарининг халқаро ҳаракати таъминланмаган. Яъни бу давлатлар миллий валюталарида халқаро қарзлар олинмайди ва тўланмайди. Шундай экан, иқтисодий адабиётларни ўқиганда алоҳида валюта сиёсати деб юритилган адабиётларни топиш қийин. Валюта сиёсати монетар сиёсатнинг бир қисми бўлиб, кўп ҳолларда монетар ва валюта сиёсати деб ҳам юритилади.

Алмашинув курси эркин сузиб юривчи курс режимида бўлганда миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қиймати валюта биржасидаги талаб ва таклифга асосан шаклланади. Аммо бу Марказий банклар умуман алмашинув курси шаклланишига аралашмайди дегани эмас. Иқтисодиётда турли тебранишлар, халқаро иқтисодиётдаги турли

“шоклар” юз бериши натижасида миллий валюта курсида кескин тебранишларга олиб келганда, бунинг таъсирини юмшатиш мақсадида Марказий банклар курсни коррективировка қилиши мумкин бўлади ва буни амалиётда кўплаб учратсак бўлади.

Давлатлар учун валюта сиёсатини тўғри олиб бориш ва у орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш муҳим масалалардан биридир. Шу йўлда кўплаб давлатларда иқтисодчи олимлар томонидан пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарадорлиги, унинг иқтисодий ўсишга таъсири ва оптимал валюта курси режимини белгилашга қаратилган талайгина илмий ишлар олиб борилган. Хусусан, ушбу илмий ишлар 1950 йиллардан кейин аҳамияти яна ошиб борди ва валюта сиёсати борасида илмий ишлар сони ошиб кетди.

Roberto Chang Марказий банк томонидан интервенция ва бу орқали валюта курсига таъсири таҳлил қилинган. Унинг фикрича, стерилизация қилинган валюта интервенцияси иқтисодий субъектларга тегишли активларнинг валюта таркибини ўзгартириш орқали самарали бўлиши мумкин. Иқтисодчи муқобил канални таклиф қилади, яъни стерилланган интервенция реал таъсир кўрсатиши мумкин, чунки у марказий банкнинг молиявий воситачиларга нисбатан соф кредит позициясини ўзгартиради ва шу билан ташқи қарз лимитларига таъсир қилади. Ушбу таҳлил натижаси вақти-вақти билан мажбурий гаров чекловлари остида маҳаллий банклар билан очиқ иқтисодиёт модели контекстида ишлаб чиқилган.

Интервенция, агар у чекловлар боғланганда содир бўлса, ҳақиқий таъсирга эга бўлади. Бундай пайтларда расмий заҳираларни стерилизация қилинган ҳолда сотиш марказий банкнинг ички банклар олдидаги қарзини камайтириш орқали чекловларни юмшатади ва маҳаллий иқтисодий агентларга кредит таклифини ошириш учун ресурсларни кўпайтиради [4]. Иқтисодчи томонидан олиб борилган таҳлиллар Марказий банкнинг интервенция сиёсати, расмий заҳираларни тўплаши ва пул-кредит сиёсати ўртасидаги ўзаро таъсир учун бир қанча эътиборга молик натижаларни тақдим қилган.

A.Cardoso, A. Duarte илмий ишларида Хитой валюта сиёсатининг Европа Иттифоқи билан ташқи савдога таъсирини таҳлил қилишган. Очиқ иқтисодиётда айирбошлаш курсининг аҳамиятини ва унинг мувозанат қийматини ҳисоблаш учун қўлланиладиган баъзи методологияларни тавсифлаб бўлгач, Хитой иқтисодиётининг рақобатбардошлиги унинг валюта курсининг сунъий паст баҳоланганлигида ёки иқтисодиётнинг равобатбардошлиги бошқа омиллар билан боғлиқлигини текширган. Шу мақсадда улар узоқ муддатли экспорт тенгламасини баҳолаш учун вектор хатосини тузатиш моделидан (Vector Error Correction model – VECM) фойдаланган.

Эмпирик натижалар шуни кўрсатганки, сўнгги бир неча йил ичида Хитой экспорти валюта қийматини манипуляция қилиш натижасида “адоласиз” рақобат устунлигидан фойдаланди. Яъни Хитой ҳукумати

миллий валютасини сунъий паст баҳолаш орқали экспортни рағбатлантириш ва иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлишига таъсир қилган [1].

Валюта курси ўзгаришига молия бозори фоизларининг импульс реакциясидан хулоса қилишимиз мумкинки, унда пул бозоридаги фоиз ставкаси, тижорат банкларининг жалб қилган миллий валютадаги қисқа муддатли депозитлар фоизи ҳамда тижорат банклари ажратган миллий валютадаги қисқа муддатли кредитлари фоизи позитив бўлмоқда.

Аммо тижорат банкларининг жалб қилган хорижий валютадаги қисқа муддатли депозитлар фоизига ҳамда тижорат банклари ажратган хорижий валютадаги қисқа муддатли кредитлари фоизига валюта курси девальвацияси тескари таъсир қилмоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг жалб қилган хорижий валютадаги қисқа муддатли депозитлар фоизини дастлабки ойда қисман оширсада кейинги ойларда эса ушбу фоиз ставкаси пасайтирмоқда. Шунингдек, валюта курси девальвацияси тижорат банклари ажратган хорижий валютадаги қисқа муддатли кредитлари фоизини дастлабки 2 ойда оширсада аммо кейинги ойларда эса уни пасайтирмоқда. Буни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин.

Агар миллий валюта курсимиз девальвацияси амалга ошса, унда тадбиркорларимиз хорижий валютада олган кредитларидан кўриладиган фойдани камайтиради, айрим ҳолларда эса ушбу кредитлардан зарар кўришади. Чунки, тадбиркорларимиз хорижий валютада кредит олиш орқали ушбу молиявий ресурсга хориждан маҳсулот ёки асосий восита сотиб олади. Аммо ушбу асосий восита ёки бошқа турдаги маҳсулотлар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган товарларни эса миллий бозоримизда реализация қилишади.

Бундан кўринадики, тадбиркорларимиз олган хорижий валютадаги кредитларини миллий валютада оладиган фойдаси ҳисобига қоплайди. Демак, миллий валюта девальвацияга учраса, унда тадбиркорларимиз учун ушбу кредитни қайтариш қийинлашади ҳамда хорижий валютадаги кредитларга талаб пасаяди. Буни 2017 йилда валютамизни 94 фоизга девальвация қилиш натижасида тадбиркорларимиз учун талайгина муаммолар келтириб чиқарганлигидан кўришимиз мумкин. Бунга жавобан тижорат банкларимиз хорижий валютадаги кредитлар фоизини пасайтиришга мажбур бўлишади. Хорижий валютадаги кредитлар фоизининг пасайиши эса банклар томонидан жалб қилинаётган хорижий валюталардаги депозитлар фоизига ҳам таъсир қилади. Ушбу таъсир тўғри пропорционал шаклда амалга ошади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. *Cardoso, A., & Duarte, A. P. (2017). The impact of the Chinese exchange policy on foreign trade with the European Union. Brazilian Journal of Political Economy, 37, 870-893.*
2. *Fratzscher, M. (2012). Capital controls and foreign exchange policy.*

3. Ghosh, A. R., Ostry, J. D., & Chamon, M. (2016). *Two targets, two instruments: Monetary and exchange rate policies in emerging market economies*. *Journal of International Money and Finance*, 60, 172-196.

4. Chang, R. (2018). *Foreign exchange intervention redux* (No. w24463). *National Bureau of Economic Research*.

5. Oseni, J. E. (2013). *Achieving price stability in Nigeria: Monetary policy rate approach vs. foreign exchange policy approach*. *Foreign Exchange Policy Approach* (July 4, 2013).

6. <https://data.worldbank.org>

7. <https://imf.org>

8. <https://cbu.uz>

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Пантин Роман Владимирович

ТГЭУ, доцент кафедры

«Инновационное образование»

Процесс экономического образования направлен на формирование личности, навыков рационального взаимодействия с окружающими, природой, наукой, искусством и т.д. В связи с этим масштабные изменения, обусловленные кризисной ситуацией, проявляются прежде всего в системе образования и характеризуются[1]:

- несоответствием уровня профессионализма специалистов запросам и потребностям общества;
- недостаточным финансированием системы образования;
- ее оторванностью от практики;
- низким социальным статусом и зарплатой учителей, преподавателей, ученых;
- увеличением стоимости обучения в вузах;
- отставанием от развитых стран по количеству студентов.

При разрушении образования создаются предпосылки для сопоставительного анализа достижений существовавшей ранее государственной системы образования и ее современным состоянием. В процессе анализа формируется понимание необходимости сохранения фундаментальных основ образования; теорий, концепций, парадигм, принципов и т.д.; поиска способов перехода образования на новый уровень функционирования.

Высшее образование в современном мире стало неотъемлемой частью развития общества и экономики. Однако, несмотря на все его достижения, оно сталкивается с рядом проблем, требующих немедленного внимания. В 2023 году качество высшего образования станет одной из ключевых тем в области экономического образования[2].

Одной из основных проблем является недостаточная подготовка выпускников к практической деятельности. Вузы сосредотачиваются на